

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШОДМАНОВ ЖАСУР АБДУМУХАММАДОВИЧ**

**«МОСЛАШУВЧАН СУПЕРКОНДЕНСАТОРЛАР УЧУН ИККИ  
ТАРМОҚЛИ ГЕЛ ПОЛИМЕР ЭЛЕКТРОЛИТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ»**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган–2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Шодманов Жасур Абдумухаммадович**

Мослашувчан суперконденсаторлар учун икки тармоқли гел полимер  
электролитлар олиш технологияси.....3

**Шодманов Жасур Абдумухаммадович**

Технология производства двухсетевого гель-полимерного электролита для  
гибких суперконденсаторов.....22

**Shodmanov Jasur Abdumukhammadovich**

Technology for the production of double network gel-polymer electrolyte for flexible  
supercapacitors. ....42

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....45**

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШОДМАНОВ ЖАСУР АБДУМУХАММАДОВИЧ**

**«МОСЛАШУВЧАН СУПЕРКОНДЕНСАТОРЛАР УЧУН ИККИ  
ТАРМОҚЛИ ГЕЛ ПОЛИМЕР ЭЛЕКТРОЛИТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ»**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси (техника  
фанлари)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган–2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Т2357 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Боймирзаев Азамат Солиевич**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Эшқурбонов Фурқат Бозорович**  
кимё фанлари доктори, доцент

**Соттиқулов Элёр Сотимбоевич**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «5» февраль соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-71, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz)).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (446-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-71, факс: (+99869) 228-76-75.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» январь куни тарқатилди.  
(2022 йил «24» январдаги № 1-рақамли реестр баённомаси)

**О.К. Эргашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д., профессор

**Д.Ш.Шерқўзиёв**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.н., профессор

**Х.С. Бекназаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда электр энергияси инсоният тараққиёти ва иқтисодиётининг ўсиши учун муҳим омил бўлиб, уни сақлаш ва ундан оқилона фойдаланиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда халқ хўжалигида ва саноат электроникасида, шу жумладан транспорт соҳаларида электр энергияси манбалари сифатида аккумуляторлардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Электр манбалари сифатида автомобил саноатида ва электротранспортда аккумуляторларга нисбатан юқори механик хоссаларга ва самарадорликка эга бўлган суперконденсаторларни яратиш, катта энергия зичлиги ва қувватига эга бўлган энергия сақловчи манбаларни электр хусусиятларини ошириш бўйича тадқиқот ишларини олиб бориш ва олинган натижалар асосида илмий ва амалий янгиликларга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда юқори самарали энергия сақловчи қурилмаларни яратиш учун қуйидаги илмий ечимларни асослаш, жумладан: механик мустаҳкамлиги юқори, эгилувчан ва ўзини қайта тикловчи суперконденсаторларни яратиш учун полимер-гель электролитларни танлаш; суперконденсаторларда ишлатиш мақсадида маҳаллий ва арзон полимер асосидаги электролитларни электрокимёвий хусусиятларни аниқлаш; паст ҳароратларда эгилувчан ва мослашувчан суперконденсаторларни механик мустаҳкамлигини, чўзилиш ва сиқилиш деформацияларига чидамлилигини ўрганиш; полимер-гель электролитларни ўзини-ўзи қайта тиклаш қонуниятларини очиб бериш лозим.

Республикамизда электр энергия манбаларини самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш бўйича маълум назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, “миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан янги турдаги керакли технологик ва конструкцион параметрларга эга бўлган, юқори сифатли ва паст таннархдаги энергия сақловчи қурилмаларни яратиш ва ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги ва «2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергия билан таъминлаш концепцияси» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш», III ва IV: «Энергетика, энергоресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника ва электрон асбобсозлигини ривожланиши» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Энергия сақловчи воситалар, суперконденсаторлар ва гель полимер электролит (ГПЭ) лар, уларнинг физик механик хусусиятлари ҳамда хоссаларини ўрганиш борасида янги электролит яратиш, мавжуд ва арзон хом ашёдан оқилона фойдаланган ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, чет эл олимлари, шу жумладан Christian Weber, R. Zhang, Gautham Prasad G Koh Sing Ngai1 & S. Ramesh, C. Subramani, Q. Chen, Qin Gang, N.F. Abdul Halim, G.-P. Kim, Girum Ayalneh Tiruye, Thangavel, R., Singh, P. K, Choudhury N, Lemercier A., Gong, J. P, Giavasis I., Hassan C. M, Агибаева Л.Э. Табаров Фаррух Саадиевич, Измайлова, Марианна Юрьевна, Минаев Константин Мадестович, Антипов Е.В ва бошқалар бу соҳада самарали изланишлар олиб борганлар. Дунё миқёсида СКлар учун турли хил гидрогеллардан фойдаланиб электролит олиш технологияси бўйича муайян тажриба ва илмий ишланмалар мавжуд. Лекин, геллан полисахариди электролит сифатида кам ўрганилиб, унинг механик хусусиятларини такомиллаштириш ва суперконденсаторларда қўллаш борасида тадқиқотлар кам учрайди.

Республикада Ўз.ФА академиги А.Т.Джалиловнинг илмий жамоаси томонидан фаоллашган кўмирни суперконденсаторларда электрод сифатида ишлатиш мумкинлиги бўйича бир қатор изланишлар олиб борилган ва бу борада салмоқли ишлар амалга оширилган, лекин гель полимерлардан суперконденсаторлар учун каттик электролит сифатида фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ва Хенан политехника университети (Хенан, Хитой) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида 01.11.2019 йилда имзоланган фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик шартномаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мослашувчан суперконденсаторлар учун икки тармоқли гел полимер электролитлар олиш технологияси яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иккиланган тармоқ структурасини ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали гель полимер электролитнинг механик хусусиятларини ошириш йўллари тадқиқ қилиш;

СКлар учун мавжуд электролитларни адабиётлардан ўрганиш ва фойдаланишда дуч келадиган муаммо ҳамда камчиликларни тадқиқ қилиш;

маҳаллий ва арзон хом ашёлардан фойдаланган ҳолда СКлар учун ГПЭ яратиш;

яратилган ГПЭнинг электрохимёвий ҳамда механик кўрсаткичларини синовдан ўтказиш ва тавсифлаш;

яратилган ГПЭнинг СКларда стандарт шароитларда фойдаланиш имкониятларини тадқиқ қилиш ва синовдан ўтказиш;

янги ГПЭ асосли СКнинг турли хил механик шароитларда паст ҳароратларда синовдан ўтказиш ва натижаларни илмий асослаш;

янги ГПЭ асосли СКнинг ўзини-ўзи қайта тиклаш хусусиятини шакллантириш ва синовдан ўтказиш;

ўтказилган синов натижаларини таҳлил қилиш, жамлаш, чоп этиш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида суперконденсаторлар учун гель полимер электролитлардан поливинил спирти (ПВС), геллан гум (ГГ), полиакриламид (ПАК) ва бошқа полимерлар тажрибалар асосида танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** суперконденсаторлар, гель полимер электролитлар ва уларнинг механик хусусиятларини ошириш усуллари ва аниқлаш технологияси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида қўйилган вазифаларни бажаришда назарий таҳлил ва амалий-экспериментал усуллардан Фурье инфрақизил спектроскопия (Bruker IFS-25), Рентген фотоэлектрон спектроскопия (Axis Ultra, Kratos Analytik LTD, Англия), намуналарнинг механик хусусияти WSM-10kN синов ускунаси (Changchun Intelligent Instrument Equipment Co. Ltd. Хитой), сканерловчи электрон микроскоп (FESEM, FEI Quanta 250, Brock AG, Германия), намуналарни ион ўтказувчанлигини аниқлашда электрохимёвий импеданс спектроскопия усуллари (electrochemical workstation, Parstat 2273, Princeton Applied Research Co., USA) фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор гель полимер электролитларнинг физик-механик хусусиятлари асосида мослашувчан суперконденсаторлар учун янги қаттиқ ва мустаҳкам гель полимер электролит яратилган;

геллан полисахаридини қаттиқ электролит сифатида фойдаланиш имконияти асосланган;

икки тармоқли гидрогеллар олиш усули асосида гель полимер электролит (ГПЭ) олинган ва унинг механик хусусиятларининг оширилгани аниқланган;

геллан/поливинил спирт, геллан/полиакриламид ўртасидаги боғланиш ва тармоқ тузилиши синов усуллари ёрдамида аниқланган;

янги ГПЭ асосли суперконденсатор (СК) нинг турли хил механик таъсир шароитида ва паст ҳароратларда фойдаланиш имконияти яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

табiiй гидрогеллардан СКлар учун полимер электролит сифатида фойдаланиш имконияти яратилган;

икки тармоқли боғланиш орқали ГПЭ ларнинг механик хусусиятлари ортиши синов усуллари ёрдамида исботланган;

геллан ва полимерлар аралашмаси натижасида ГПЭ олиш технологияси ва усули ишлаб чиқилган;

геллан/поливинил спирт, геллан/полиакриламидлар ўртасидаги ўзаро тармоқ боғланиш мавжудлиги ва уларнинг намуна таркибидаги оптимал улушлари ҳисобланган;

янги ГПЭни СКларда фойдаланиш имкониятлари тажрибалар орқали исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги янги гель полимер электролитни тайёрлаш ва унинг барча хоссаларини синови, уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисобiiй ишларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодiiй самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмiiй ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмiiй аҳамияти унинг мамлакат иқтисодиёти учун муҳим бўлган маҳсулотлар-суперконденсаторлар учун мустаҳкам гель полимер электролит олиш учун илмiiй асос яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мослашувчан, эгилувчан ва кийиб юришга мўлжалланган (wearable electronic) электротехника воситаларида қўлланиладиган суперконденсаторлар учун янги қаттиқ гел полимер электролит яратиш натижасида замонавий энергия сақловчи воситаларига бўлган талабни қондириш, электролитлар ассортиментини ошириш, таннархни камайтириш техник воситаларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлашга ҳизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гель полимер электролитларнинг механик хусусиятлари бўйича олинган илмiiй натижалар асосида:

суперконденсатор учун икки тармоқли гел полимер электролит олиш усулида олинган юққа қатламли гел полимер электролит олиш технологияси «Extra Premier ВАТ» МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзэлтехсаноат» ассоциациясининг 2021 йил 13 октябрдаги 04-3/2121-сон маълумотномаси). Натижада, мослашувчан, эгилувчан, паст ҳароратларда ва ўзини-ўзи тикловчи хусусиятга эга қаттиқ гель полимер электролит аосидаги суперконденсаторлар олиш имконини берган;

гел полимер электролитнинг физик-механик, электрофизикавий ва электрохимёвий хоссаларини аниқлаш усуллари гибрид электр манбаларида аниқлаш усули «Фотон» АЖда амалиётга жорий этилган («Ўзэлтехсаноат» ассоциациясининг 2021 йил 13 октябрдаги 04-3/2121-сон маълумотномаси).



Натижада, янги полимер-гель махсулотини гибрид электр токи манбаларида қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза ва муҳокама қилинган.

Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий ишларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 3 та мақола халқаро журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, 115 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб ҳажми 100 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Суперконденсаторлар ва уларнинг амалий аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида, суперконденсаторлар, уларнинг тузилиши, ишлаш принципи, афзалликлари, саноатда ва кенг истеъмол махсулотларига тадбиқ этиш, суперконденсаторларнинг турлари ва амалий аҳамияти, электрод ва электролитлар, уларнинг турлари, камчилиги ва мавжуд муаммолар, гель полимер электролитлар, уларнинг физик-механик хусусиятлари ва бошқа турдаги электролитлардан устун жихатлари атрофлича ёритилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектлари ва усулларини танлаш ва уларни асослаш**» деб номланган иккинчи бобида суперконденсатор учун қаттиқ ГПЭни тайёрлаш техника-технологияси, гель полимер электролитлар учун материаллар танлаш ва уларни асослаш, намуналарнинг физик-кимёвий, механик хоссаларини аниқлаш жиҳозлари, жараёнда бевосита ишлатилган қурилмалар ва уларни ишлатилиш хусусиятлари, тажриба ўтказиш босқичлари ва уларни юқори аниқликда ўтказиш шарт шароитлари, методикаси, тажрибаларнинг назарий таҳлили, афзаллиги ва унда ўтказилган тадқиқот ишларидан олинган натижаларни формулалар асосида ҳисоблаш бўйича назарий маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Поливинил спирт ва геллан гум асосида янги гель полимер электролит яратиш**» деб номланган учинчи бобида поливинил спирт ва геллан гум табиий полисахариди билан биргаликда гель полимер

электролит олиш, олинган намуналарнинг стандарт талабларига жавоб бериши, уларнинг физик кимёвий хусусиятлари, синов натижалари ҳамда энг асосийси қўшимча равишда ушбу ишда таклиф қилинаётган янги гель полимер электролит асосида тайёрланган суперконденсаторни турли эгилиш бурчаклари ва паст ҳароратларда синовдан ўтказиш натижалари батафсил ёритилган. Ушбу бобдаги ПВС ва ГГ асосида олинган гель полимер электролит мураккаб бўлмаган “музлатиш-эритиш” ва “бўктириш” технологик жараёнлари асосида “икки тармоқли гидрогеллар олиш” усулида тайёрланди (1-расм). Бу усулларнинг асосий аҳамияти шундаки, ушбу жараён табиий ҳолатда юз беради, элементлар бир-бирига физик (молекулалараро) жиҳатдан боғланади ва ушбу жараёнда кимёвий энергия (иссиқлик) ажралмайди ёки ютилмайди. Молекуляр боғларнинг мустаҳкам, барқарор ва стабил бўлиши ўз навбатида ГПЭнинг ташқи таъсирларга чидамлилигини оширади.




**1-расм.** Икки тармоқли ўзаро боғланган поливинил спирт ва геллан гель полимер электролитнинг олиниши

Дастлаб икки тармоқли гидрогелларнинг биринчи тармоғи, яъни ПВС тармоқ шакллантириш музлатиш эритиш усули орқали амалга оширилди. Бунда музлатиш-эритиш цикллариининг сони ГПЭ нинг мустаҳкамлик кўрсаткичига ижобий таъсир кўрсатди. Аксарият адабиётларда ушбу цикл 5-7 марта такрорланганда механик кўрсаткичлар билан биргаликда ПВС структурасида аморф худудларнинг ортиши кўрсатиб ўтилган. Шу боисдан ушбу тажрибада музлатиш-эритиш цикллари сони 5 марта олиб борилди, бунда музлатиш даври 20 соат  $-20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда ва эритиш цикли 4 соат мобайнида хона ҳароратида амалга оширилди. Музлатиш жараёни мобайнида ПВС молекулаларининг ҳаракат тезлиги кескин пасаяди, натижада молекулалар бир-бири билан яқинлашиб ўзаро боғланади ва микрокристаллар ўзаро боғланиш нуқталари сифатида шаклланади. Эритиш жараёнида ПВС молекулалари яна ҳаракатлана бошлайди ва бу кристалларнинг ўсишига олиб

келади ҳамда гидрогель тармоғи шаклланади. Ушбу усулнинг такрорланиши натижасида тармоқ боғланиши янада мустаҳкамланади.


Иккинчи тармоқ ГГ тармоғи, музлатиш-эритиш усулидан сўнг намуналарни калий гидроксид (KOH) нинг сувли эритмасига бўктириш орқали шакллантирилди. Бу жараёнда  $K^+$  ионлари ГГни бир-бирига боғлаш ва ион ўтказувчанликни таъминлашга хизмат қилади. Шу боисдан  $K^+$  муҳим рол ўйнаб, у бир вақтнинг ўзида иккита вазифани, боғловчи ва ўтказувчи вазифасини бажаради ва ГПЭнинг мустаҳкамлигини оширишни таъминлайди. Тажрибаларда асосий объект сифатида ГГ танланганлиги сабабли унинг концентрациясини ўзгартириб ГПЭ таркибида оптимал улушини аниқлаш учун (ПВС/ГГ= 100:0%, 95:5%, 90:10%, 85:15% , 80:20%) нисбатларда намуналар тайёрланди. Намуналарни мос равишда ПВС, ПГ-5, ПГ-10, ПГ-15, ПГ-20 деб номлаб уларни физик-механик ва электрохимий кўрсаткичлари аниқланди. 4-расмда ПГ ГПЭ механик хусусиятларининг синов натижалари келтирилган. Графикдан кўриш мумкинки, ГГнинг массаси ортиши билан ГПЭ нинг механик хусусиятлари ҳам мос равишда ортиб борганини ва ГГ концентрацияси 10% га етганда тажрибалар энг яхши натижани қайд этганини кўриш мумкин. Жумладан, намунанинг чўзишдаги узилиш кучи (tensile stress) дастлаб 0.17 МПа дан 0.8МПа гача, узилишдаги узайиш кўрсаткичи (чўзилиш, elongation break) 20 мм/мм дан 66.3 мм/мм эканлиги қайд этилди (2-расм).



**2-расм. ГГ концентрациясининг ГПЭ механик хусусиятларига таъсири: а) чўзилиш ва узилиш кучи ўртасидаги боғланиш, б) чўзилишни геллан массасига боғлиқлиги.**


Бунинг сабаби шундан иборатки, геллан ва соф ПВС занжирлари ўртасида ўзаро электростатик кучлар таъсирида боғлар ҳосил бўлиши натижасида қаттиқ гидрогель ҳосил бўлади ва унинг механик мустаҳкамлиги соф ПВСга нисбатан 4 марта юқори кўрсаткичга эришар экан. Геллан зажиридаги карбоксил ва ПВС занжиридаги гидроксил гуруҳлар ўртасида водород боғлар ҳосил бўлиши натижасида макропорали тўрли қаттиқ ва эгилувчан гидрогель ҳосил бўлади. Намунада ГГ улушининг 10%дан ортиши натижасида унинг механик хусусиятларини камайиб бориши кузатилди, шу боисдан механик кўрсаткичлардан келиб чиққан холда ПГ 10 ни энг мақбул нисбат сифатида

танлаб олинди. Тажрибаларнинг юқори аниқлигини таъминлаш, олдинга сурилаётган фаразларни илмий тасдиқлаш ва ГПЭ таркибидаги элементларнинг боғланиш характерларини ўрганиш учун бир неча структура ҳамда морфологик тадқиқот синовлари амалга оширилди. Жумладан ГПЭ структурасининг аморф тузилишга эга бўлиши унинг ион ўтказиши ҳамда сувни шимиши жуда муҳимдир ва шу боисдан турли хил концентрациядаги ПГ ГПЭ бўктириш усулидан сўнг рентген дифрактометр ёрдамида синовдан ўтказилди (3-расм). Соф ПВС ярим кристалл табиатга эга бўлиб,  $2\theta=19.8^\circ$  ва (101) кристалл текисликда аниқ дифракция пикларига эга. 3-расмда намуна таркибида ГГ нинг улуши ортиши билан ПВС пикларининг интенсивлиги камайиб боришини яққол кўришимиз мумкин, бу ПВС ва ГГ ўртасидаги водород боғланиш мавжудлигини ва ПВС ГПЭ таркибида кристалланиш натижасида аморф худудларнинг кенгайишини ва натижада боғланиш ҳисобига механик хусусиятларни, аморф худуд кенгайиши ҳисобига ион ўтказувчанликнинг ортишига олиб келади.




### 3- расм. Намуналарнинг рентген дифрактомерда олинган спектрлари

ГПЭ намунанинг таркибидаги ГГ ва ПВС ўртасидаги кимёвий боғланишни аниқлаш учун рентген фотоэлектрон спектроскопия (РФС) усули ёрдамида тажрибалар ўтказилди. Бунда энг яхши кўрсаткичга эга ПГ 10 ГПЭ ва соф ПВС пиклари график тасвирларда солиштирилди (4-расм). Натижалар 531.4 ва 532.1 эВ оралиқда O1s спектрида ПГ 10 ГПЭ ва соф ПВС деконволюциялангандан сўнг, C-O (алифатик углеродга алоҳида боғланган кислород), C=O (ароматик углеродга икки марта боғланган кислород) C-O, C-OH ва C = O гуруҳлар билан боғларнинг мавжудлиги O1s пикларда таҳлиллар билан тасдиқланган. ПГ10 ГПЭ да C=O чўққисининг ПВСга нисбаттан анча кичиклигини ГГ таркибидаги карбонил гуруҳларда чиқадиган чўққи билан изоҳлаш мумкин, C-OH боғланишлар эса ҳар иккала элементлар ПВС ва ГГ да ҳам мавжуд.



**4- расм. Намуналарнинг Рентген спектроскопия натижалари**


Кейинги босқичда ПВХ, ГГ ва уларга  $K^+$  иони таъсир эттирилгандан кейинги ўзгариш орқали улар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун Фурье спектроскопия усулида тажрибалар ўтказилди (5-расм). Кўп тадқиқотларда соф ГГ  $3273\text{ см}^{-1}$  тўлқин узунлигида абсорбцион пикларни олингани келтирилади,  $3433\text{ см}^{-1}$  да гидроксил гуруҳларни ўз ичига олган глюкопираноз халқаларини намоён қилди.  $1612\text{ см}^{-1}$  ва  $1411\text{ см}^{-1}$  хуудлардаги интенсив пиклар карбоксилат гуруҳларнинг асимметрик ва симметрик чўзилишига тегишли.



**5-расм. Намуналарнинг Фурье инфрақизил спектроскопия спектрлари**


Иккинчи спектр ГГни КОНга бўктирилгандан кейинги ҳолатдаги намунага тегишли бўлиб, пикларда катта ўзгариш кузатилмади. Фақатгина карбоксил гуруҳларнинг чўққилари бироз силжиб  $1643\text{ см}^{-1}$  ва  $1442\text{ см}^{-1}$  га ўзгарди,  $1411\text{ см}^{-1}$  даги кичик чўққилар ОН гуруҳларга тегишлилиги аниқланди. Сўнгги спектрда оптимал вариант ПГ 10 ГПЭ намунага тегишли бўлиб, бунда ПВХ характерига мос келадиган янги чўққиларнинг пайдо бўлганини аниқ кўришимиз мумкин. ГГ/ПВС полимерлари  $3500\text{ см}^{-1}$  дан  $3273\text{ см}^{-1}$  гача,  $1611\text{ см}^{-1}$  дан  $1263\text{ см}^{-1}$  гача бўлган оралиқда ўзига хос абсорбцион боғларни намоён қилди. Гидроксил гуруҳларнинг кенг ва юқори интенсивликдаги  $3273\text{ см}^{-1}$  да

жойлашган чўққилари геллан ва ПВС полимер ўртасидаги водород боғланиш мавжудлигини исботлайди. Намуналарнинг сирт морфологияси сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида тадқиқ қилинди. 6-расмда ПГ10 ГПЭ намунасида кичик поралар, ғовакликлар ва туннеллар борлигини намоён қилувчи графиклар келтирилган. Юқорида таъкидланганидек ушбу поралар намунада КОН ионларининг жойлашувига ва ион ўтказувчанликнинг ортишига сабаб бўлади. Соф геллан гум структурасида қалин деворлар ва силлиқ тешиклар ковакларга нисбатан текис юзага эга бўлиб, ПГ 10 ГПЭ тешиклари ингичка ва ўргимчак тўрига ўхшаш толали тармоқлардан ташкил топган бўлиб, сирт юзаси ҳам нотекис бўлади. Бундан ташқари расмлардан ПВС ва ГГ жойлашувини юза бўйлаб текис тақсимланганини, улар ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини кўриш мумкин. Бу тақсимланиш тармоқларнинг боғлиқлигини ва иккала тармоқ намунанинг механик хусусиятларини яхшилайти, бундай тузилиш туфайли ГПЭнинг сувни қабул қилиши яхшиланади. Бу жараён намунанинг ион ўтказувчанлиги учун фойдали бўлиб ГПЭ таркибига КОН ни сўрилишини ва унда сақланишини таъминлайди.



**6- расм. Намуналарнинг сирт морфологияси**

ГПЭ амалиётда СК лар билан биргаликда қўлланишида турли хилдаги механик таъсирларга дуч келиши мумкин. Бундай таъсирлар сарасига букилиш, оғирлик кучларининг таъсир этиши, деформациялар, шикастланиш, чўзилиш ва сиқилиш кабилар киради. Шу сабабли ПГ-10 ГПЭ цилиндрик шаклда таёрланган намуна юқорида санаб ўтилган механик таъсирлар остида ўткир тигни эркин ҳолатда кесиш (а), чўзиш(б) дастлабки узунлигидан икки маротаба кўп, 500 гр оғирлик тоши осиб қўйиб (с), спирал кўринишда ғалтакка ўраб (д), тугиб (е), букиб (ф) ва пресслаб (ж) синовдан ўтказилди (7-расм). Бу турдаги синовлар СК ни турли хилдаги шароитларда кафолатли ишлашини аниқлаш учун хизмат қилади.



7-расм. ГПЭнинг турли хилдаги механик таъсирлар остида синовдан ўтказиш: кесиш (а), чўзиш (б) оғирлик кучи таъсири (с), спирал (д), тугиш (е), букиш (ф) ва преслаш (ж) натижалари.

Намуналарнинг механик ва ион ўтказувчанлик хусусиятларини солиштириш

1-жадвал.


КОН концентрацияси (М)	Чўзиш босими(МПа)	Чўзилиш(мм)	Ион ўтказувчанлик (См/см)
0	0.17	19	0.003
0.2	0.23	22	0.2
0.4	0.28	33.9	0.21
0.6	0.54	58.5	0.21
<b>0.8</b>	<b>0.81</b>	<b>66.3</b>	<b>0.21</b>
1	0.56	49.2	0.23

Хулоса сифатида, биз ушбу бобда бажарилган илмий тадқиқот иши орқали СКлар учун янги турдаги композит ПГ 10 ГПЭ яратишга эришдик. Синов натижалари ушбу электролитнинг механик хусусиятлари ва ион ўтказувчанлигини юқори эканлигини, паст таннарх ва заҳарсиз эканлигини кўрсатди. Фойдаланилган геллан гум табиий полисахарид бўлиб, ундан тайёрланган каттик полимер электролит хавфсизлиги, оқмаслиги, портламаслиги, емирилишга чидамлилиги, электрод билан яхши мослашувчан эканлиги каби жуда кўп афзалликларга эга. Ишнинг амалий аҳамияти гелландан электролит сифатида фойдаланиш туфайли гел полимер электролитларнинг механик хусусиятларини оширишдан иборат.

Ўтказилган синов натижаларига кўра ПГ 10 ГПЭ энг юқори механик кўрсаткичларидан узиш кучи 0.81 МПа ва чўзилиш 66.3 мм/мм га, энг яхши ион ўтказувчанлиги 0.21См/см га тенг бўлди; электрод билан биргаликда солиштирма энергия сиғими 198 Ф/г ва 40°C ҳароратда барқарор ишлаши, 230° гача эгилиш бурчакларида ҳам фаол ишлаши мумкинлиги аниқланди.

Ушбу натижаларга кўра биз таклиф этаётган СК модели турли хилдаги деформация шароитларида ва паст ҳароратда ишловчи электрон қурилмаларда фойдаланиш имконини беради.

Диссертациянинг ўзини ўзи қайта тикловчи янги гел полимер электролит яратиш деб номланган бўлимида полимер матрица сифатида полиакриламид (ПАМ) дан фойдаланиб ва унинг геллан билан мураккаб боғланиши натижасида гел полимер электролит олиш, олинган янги гел полимер электролитни ўзини-ўзи қайта тиклаш ва турли хилдаги деформация шароитларида синовдан ўтказиш ва электролитнинг мослашувчан суперконденсаторларда фойдаланиш имконияти ўрганилган. Намуналар 8-расмда келтирилган кетма-кетлик асосида тайёрланиб уларнинг барча физик-механик хоссалари стандарт талаблар асосида синовдан ўтказилди. Олинган натижалар таҳлил қилиниб электролитнинг хоссаларини синов усуллари ёрдамида аниқланган.




**8- расм. ПАМ/ГГ гел полимер элктролит олиш технологияси**

Амалиётда ГПЭлардан турли хилдаги деформация шароитларда фойдаланиш натижасида ташқи ва ички таъсирларга учраб электрон қурилмаларга ёки СКларга шикаст етиши кўплаб кузатилмоқда. Натижада бутун бошли қурилма ёки СК фаолияти ишдан чиқиб муаммолар ва иқтисодий зарарлар келиб чиқмоқда. Бундай муаммоларни олдини олиш учун ижобий ечимлардан бири СКни ёки унинг таркибидаги электрод ва электролитларнинг ўзини ўзи қайта тиклаш хусусиятини шакллантиришдан иборат. Бу усул натижасида СК маълум вақт давомида ҳеч қандай ташқи таъсирлар ва аралашувларсиз ўзининг дастлабки хусусиятини тиклаши мумкин. Шу боисдан ушбу тадқиқот ишимиздан кўзланган асосий мақсадлардан бири биз таклиф



этаётган ГПЭни ўзини ўзи қайта тиклаш қобиятини ошириш ва синовдан ўтказишдан иборат. ПаГ-3 ГПЭ худди шундай хусусиятга эга бўлиб ташқи таъсирларсиз дастлабки ҳолатини қайта тиклай олади. Бу ерда гелининг узилган водород боғлари бир бири билан такроран таъсирлашиб, яна қайтадан водород боғлар ҳосил қилади. Бу ходисани исботлаш учун ПаГ-3 ГПЭ намуналар тайёрланди ва уларнинг ўртасидан тиғли пичоқ ёрдамида иккига ажратилди. Тажрибаларни икки босқичда: турли хил вақт ва ҳарорат таъсирида ўтказилди ва ўзини ўзи қайта тиклаш хусусиятлари аниқланди (9-расм). Дастлаб икки қисмга ажратилган




**9-расм. Намуналарнинг ўзини ўзи қайта тиклаш хусусиятларини механик усулда баҳолаш: а- б) турли вақт таъсирида, с-д) турли хил температураларда е) жараёнлар кетма кетлиги фотосуратларда келтирилган.**

намуналарни яна бир бирига теккизиб ўзгармас ҳарорат (60°C) таъсирида вақтни ўзгартириб (0.3, 2, 4, 8, 16 ва 24 соат) механик параметрларини қайта тиклаш хусусиятини синовдан ўтказдик (11а ва б расмлар). Иккинчи босқичда вақтни ўзгармас деб олиб (8 соат) турли ҳарорат остида 0, 20, 40, 60, 80 ва 90°C ПаГ ГПЭ намуналарнинг ўзини ўзи қайта тиклаш хоссалари механик тест тажрибалар йўли билан аниқланди (11с ва д расмлар). 11е расмда ўтказилган синов жараёнининг босқичлари фотосуратларда келтирилган бўлиб, намуналар икки қисмга ажратилган ва механик синов ускунаси ёрдамида узиш кучи ҳамда чўзилиш кўрсаткичлари аниқланган. Бунда узилишдан олдинги ва кейинги натижалар ўзаро солиштирилган бўлиб, шу йўл билан ПаГ-3 ГПЭнинг ўзини ўзи қайта тиклаш имконияти тасдиқланган. Ўтказилган тажрибалар натижасида олинган графиклардан кўришимиз мумкинки энг яхши натижа 8 соат 60°C сўнг қайд этилиб, узиш кучи 0.92 МПа, чўзилиш дастлабки ҳолатга нисбатан 45% ни

ташқил этди. Бундай натижа гелъ полимер элктролитлар учун яхши кўрсаткич бўлиб, улардан узоқ вақт самарали фойдаланиш имконини беради.


10-расмда соф ПАМ, ГГ ва ПаГ-3 ГПЭ намуналарининг Фурье спектрлари графикларда солиштирилган бўлиб, чўққи интенсивликлари юқори аниқликда тасвирланиши учун барча намуналарга калий бромид (KBr) билан ишлов берилган, у элементлар билан реакцияга киришмайди ва унинг чўққилари графикда тасвирланмайди. Тажрибаларда соф ПАМ 3420 ва 3194  $\text{см}^{-1}$  тўлқин узунлигида N-H боғланишни, 1653 ва 1616  $\text{см}^{-1}$  да C=O ва NH<sub>2</sub> боғланишни, 1420  $\text{см}^{-1}$  да C-N боғланишига тегишли бўлган юқори интенсивликдаги чўққиларни намоён қилди. Фурье спектрларида ГГ 3500 ва 3200  $\text{см}^{-1}$  тўлқин узунлигида кенг ёйилган O-H боғланиш чўққиларини, 1715 ва 1614  $\text{см}^{-1}$  узунликлари мос равишда C=O карбонил гуруҳ ва носимметрик COO- боғланиш чўққилари мавжудлигини кўрсатди.



**10-расм. Намуналарнинг Фурье спектроскопия натижалари**


ПаГ-3 ГПЭ намуна эса 3414  $\text{см}^{-1}$  да кенг ёйилган -OH гуруҳга тегишли пикларни, 2923  $\text{см}^{-1}$  ва 2853  $\text{см}^{-1}$  оралиқда носимметрик ва ассиметрик паст интенсивликка эга мэтилен гуруҳ боғланишини, C=O ва -COOH боғланишни эса 1708  $\text{см}^{-1}$  тўлқин узунликларида намоёиш қилди. ПаГ-3 ГПЭ намунанинг C-OH боғланишдаги чўққи интенсивлиги соф ПАМ ва ГГ га нисбатан анча камайган, аксинча C-O-C структурадаги носимметрик C-O боғнинг пик интенсивликлари ортган. Бу ГГ нинг гидроксил гуруҳлари ПАМ асосидаги акриламид маномерларининг C-N гуруҳлари билан реакцияга киришиб улар ўртасида водород боғланиш ҳосил бўлишини кўрсатди. ГГ ўз навбатида ПАМ нинг полимерланишига ҳисса қўшади ва кейинги полимерланишини таъминлайди.

Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> тузларининг қўшилиши натижасида ҳар икки ПАМ ва ГГ га тегишли чўққиларнинг интенсивлиги камайган. Хулоса қилишимиз мумкинки, Na ионлари ГГ тармоқларини шакллантириш билан биргалиқда ПАМ ва ГГ ўртасида кўприк вазифасини ҳам бажариши мумкин.



**11-расм. Намуналарнинг Рентген фотоэлектроскопия спектри**

Диссертациянинг гел полимер электролит олишнинг технологик схемаси ва техник-иқтисодий самарадорлиги бобида олиб борилган тажрибалар асосида шуни хулоса қилиш мукинки, ПАМ ва ГГ ўзаро боғланиб мустаҳкам ГПЭни ҳосил қилади. Ушбу тадқиқот иши натижасида олинган янги табиий гидрогелдан олинган ГПЭ бошқа турдаги электролитлардан ўзининг хавфсиз ва барқарор ишлаши, эгилувчан ва паст ҳароратларда ҳам фойдаланиш мумкинлиги ва энг муҳими механик таъсирлар натижасида шикаст етгандан кейин ўзини-ўзи қайта тиклаш хусусиятига эгаллиги билан устунлик қилади. Тажрибалар ёрдамида ва лаборатория шароитида тайёрланган янги гел полимер электролитни ишлаб чиқаришга тавсия этиш учун жараённинг технологик схемаси тузилди. Ушбу технологик схемани ва ускуналарни танлашда ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ва фикрларини инобатга олинди. Технологик схемани нисбатан содда ва мавжуд технологияларда амалга ошириш инобатга олинган. Технологик жараённинг тўлиқ bosқичлари 12- расмда келтирилган.



**12-Расм. Гель полимер электролитларни ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси.**

1-сиғимли идишлар, 2-дозаторлар, 3-якорли реакторлар, 4-насос (плунжерли), 5-музлатгичлар, 6- лентали конвейерлар, 7- эритмаларни бўктириш ускунаси (КЭА-250), 8 ва 9 - қолиплаш ва пичоқлар ёрдамида кесиш, 10- қадоқлаш ускунаси (ВЭМУ ёки РЭУ)

Гель полимер электролит олиш учун 12-расм 1-да кўрсатилган сиғимли идишларга рецепт асосида мос равишда поливинил спирт, полиакриламид, геллан ва КОН, Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> лар массани назорат қилувчи 2-дозаторлар ёрдамида 3-якорли реакторга туширилади, реакторда сувнинг ҳарорати аста секин 90°C ҳароратгача кўтарилиб 2-соатгача аралаштиргич ёрдамида аралаштириб турилади. Тайёр ҳолатга келтирилган аралашма кейинги босқичда -4 °С музлатгичда сақланади, сўнгра эса лентали конвейерларга узатилиб хона ҳароратида (23°C) муздан эритилади.

Музлатиш-эритиш даври амалий тажрибаларимизда 1-дан 7-гача амалга оширилди ва энг яхши натижалар ушбу давр 5 марта такрорланганда қайд этилди. Шу боисдан ҳам биз ишлаб чиқариш жараёнларида музлатиш-эритиш жараёнини 5-марта такрорлашни тавсия этдик. Музлатиб эритилгандан сўнг кейинги босқичда намуналар КОН эритмаси солинган 7-бўктириш қозонига (КЭА-250) туширилади ва 24 соат давомида сақланади. Ушбу ускуна ёрдамида намунани кейинги босқичга автоматик тарзда узатилади ва намуналар 8-9 ускуналар ёрдамида талаб қилинган ўлчамларда кесиб берилади. Охириги босқичда 10-ускуна ёрдамида намуналар қадоқланиб тайёр гел полимер электролит сақлаш омборига ўтказилади.

### ХУЛОСАЛАР:

1. Табиий геллан полисахаридининг хоссалари ўрганилди ва синов натижаларига кўра улардан энергия сақловчи қурилмалар учун электролит сифатида фойдаланиш мумкинлиги исботланди.
2. Тажрибалар ёрдамида ПВС+Геллан ва ПАК+Гелланнинг ўзаро нисбатлари аниқланди ва улардан музлатиш-эритиш ҳамда бўктириш усуллари орқали гел полимер электролит олиш технологияси ишлаб чиқаришга таклиф қилинди.
3. ПВС+Геллан ва ПАК+Геллан гел полимер электролитнинг физик-механик ва электрохимий хоссалари электрон микроскопия, рентген фазавий таҳлил, техник синов ускунаси ҳамда электрохимий тест методлари ёрдамида назарий ва амалий таҳлил қилинди. Натижалар қийёсланди ва оптимал вариантлар ишлаб чиқилди.
4. Икки тармоқли гидрогел олиш усули гел полимерэлектролитлар олиш учун тадбиқ қилинди ва гел полимер электролитларнинг мустаҳкамлигини оширишга эришилди.
5. Таклиф қилинаётган ПАК+Геллан гел полимер электролити ташқи таъсирларсиз ўзини-ўзи қайта тиклаш имконияти мавжудлиги тажрибалар орқали исботланди.
6. ПВС+Геллан ва ПАК+Геллан гел полимер электролитлари паст ҳарорат ва турли хилдаги эгиш бурчаклари остида ҳам, суперконденсаторларда ҳам барқарор ишлаши синов усуллари ёрдамида исботланди.
7. Тадқиқот иши орқали мослашувчан суперконденсаторлар учун янги қаттиқ гел полимер электролит олишга эришилди ва ишлаб чиқаришга тавсия этилди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ РнД.03/30.12.2019.К/ Т.66.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ШОДМАНОВ ЖАСУР АБДУМУХАММАДОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ ПРОИЗВОДСТВА ДВУХСЕТЕВЫХ ГЕЛЬ ПОЛИМЕРНЫХ  
ЭЛЕКТРОЛИТОВ ДЛЯ СОВМЕСТИМЫХ СУПЕРКОНДЕНСАТОРОВ**

**02.00.14 – Технология органических веществ и материалов на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (РнД) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган–2022**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрировано в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.3.PhD/Т2357.**

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-страница по адресу: [www.nammti.uz](http://www.nammti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Боймирзаев Азамат Солиевич**  
доктор химических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Эшкурбонов Фуркат Бозорович**  
доктор химических наук, доцент

**Соттикулов Элёр Сотимбоевич**  
PhD. старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «5» февраль 2022 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под № 446). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: [niei\\_nfo@edi.uz](mailto:niei_nfo@edi.uz).

Автореферат диссертации разослан «24» января 2022 года  
(Протокол рассылки № 1 от «24» января 2022 года)

**О.К. Эргашев**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н., профессор

**Д.Ш.Шеркузиев**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученой степени, к.т.н., профессор

**Х.С. Бекназаров**  
Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире электроэнергия является важным фактором развития человечества и экономического роста, а ее сохранение и рациональное использование является одной из самых актуальных проблем. Сегодня аккумуляторы широко используются в качестве источников электроэнергии в экономике и промышленной электронике, в том числе на транспорте. В качестве источников электроэнергии важно создание суперконденсаторов с высокими механическими свойствами и КПД по сравнению с аккумуляторами в автомобильной промышленности и электромобилях, проведение исследований по улучшению электрических свойств энергосберегающих источников с высокой удельной энергией и мощностью, достижение научных и практические инновации.

Обосновать следующие научные решения по созданию высокоэффективных энергосберегающих устройств в современном мире, в том числе: выбор полимерно-гелевых электролитов для создания высокопрочных, гибких и самовосстанавливающихся суперконденсаторов; определение электрохимических свойств местных и дешевых электролитов на полимерной основе для использования в суперконденсаторах; исследование механической прочности, сопротивления деформациям растяжения и сжатия гибких суперконденсаторов при низких температурах; должны быть раскрыты закономерности самовосстановления полимерно-гелевых электролитов.

В стране достигаются определенные теоретические и практические результаты по повышению эффективности источников электроэнергии. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены задачи «повышения конкурентоспособности национальной экономики, снижения энерго- и ресурсоемкости в экономике, разработки принципиально новых продуктов и технологий». В связи с этим важны научные исследования, в том числе создание и разработка новых видов качественных и недорогих энергосберегающих устройств с необходимыми технологическими и конструктивными параметрами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-3012 от 26 мая 2017 года «О программе мероприятий по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики, энергоэффективности в экономике и социальной сфере на 2017-2021 годы» и «Концепция электроснабжения Республики Узбекистан в 2020-2030 годах», также исследование данной диссертации в определенной степени способствует реализации задач в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан ПК-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»



**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники в Республике.** Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и техники республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение», III и IV: “Энергетика, экономия энергоресурсов, транспорт, машины и приборостроение, современная электроника, микроэлектроника, фотоника и развитие электронного приборостроения”.

